# ИНСОН ва ҚОНУН

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz

2016 йил 22 ноябрь • сешанба № 46 (1042)


**Сайлов — 2016**

## МДҲ миссияси кузатувчилари ўз фаолиятини бошлади

**МУСТАҚИЛ Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) миссияси узоқ муддатли кузатувчилари Ўзбекистонга келди.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таклифига биноан МДҲ кузатувчилари миссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатишда иштирок этади.

Марказий сайлов комиссиясида МДҲ Ижроия қўмитаси бўлим бошлиғи Евгений Слобода бошчилигидаги кузатувчилар миссияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Комиссия раиси М.Абдусаломов меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясининг бориши билан таништирди.

Таъкидланганидек, сайлов кампанияси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, сайлов тўғрисидаги қонунлар ва Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ ҳолда очиқлик ва ошкоралик шароитида ўтмоқда.

МДҲ миссиясининг узоқ муддатли кузатувчилари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти жараёни билан таништирилди. Сайловолди ташвиқотини олиб боришда номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратилгани қайд этилди.

Учрашувда МДҲ кузатувчилари фаолиятини мувофиқлаштириш учун Тошкент шаҳрида Миссия штаби фаолият кўрсатиши ва кузатувни ташкил этиш билан боғлиқ зарур тадбирларни ўтказиши таъкидланди. Сайлов жараёнининг бориши тўғрисида материаллар тўплаш ва уларни таҳлил қилиш, сайлов қонунчилигини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, теле ва радиоканаллардаги ахборот дастурлари ва кўрсатувларни, шунингдек, босма оммавий ахборот воситаларини мониторинг қилиш, номзодларнинг сайловолди штабларида учрашувлар ўтказиш Миссия штабининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Марказий сайлов комиссияси шу пайтга қадар Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислом ҳамкорлик ташкилоти миссияларининг 90 дан зиёд кузатувчисини аккредитациядан ўтказди.

**Б.БОЗОРОВ,**
**ЎзА мухбири**



**8 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси куни**

## СУЯНЧИМИЗ, ТАЯНЧИМИЗ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯЧИМИЗДИР

**ДЕМОКРАТИК тараққиёт йўлини танлаган ҳар бир жамият олдида, авваламбор, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, улар қалбида Конституция ва қонунлар асосида яшаш дунёқарашини шакллантиришдек катта вазифа туради. Бош қомусимиз қабул қилинган кундан буён ўтган давр ичида Конституцияда белгиланган устувор иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқий ғоялар жамиятимиз ҳаётида босқичма-босқич ўзининг амалий ифодасини топмоқда.**

Мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган бундай ўзгаришлар, хоҳ у иқтисодий, хоҳ у сиёсий йўналишда бўлсин, уларнинг барчаси ягона мақсад — ҳар томонлама ривожланган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга, тараққиётнинг "Ўзбек модели" ҳуқуқий пойдеворининг изчиллиги ва барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан диққатга сазовордир. Бу эса, бир томондан, Асосий Қонунимиз бугунги ва эртанги тараққиёт йўлимизга бош ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганлигини кўрсатса, бошқа томондан, Конституциямизнинг яшовчанлиги, тараққиёт билан узвийлиги, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва нормалари билан ҳамоҳанглигидан, унинг халқчил қомус эканлигидан далолат беради. Шу нуқтаи назардан қараганда, ўтган 24 йил давомида миллий давлатчилик тарихимиз ва жаҳон конституцияшунослик назарияси ҳамда амалиётининг илғор демократик сиёсий-ҳуқуқий ғоялари ва тажрибасига эга **"Ўзбек конституцияшунослик мактаби"**ни яратдик.

Дарҳақиқат, Конституция жамият ва давлат, қолаверса, ҳар бир инсон, ҳар қайси оила ҳаётида муҳим ўрин тутади. Ваҳоланки, ҳеч бир давлатда, ҳеч қайси фуқаро ўз ҳаётини, кундалик турмуш тарзини ва келажагини Конституция ва қонунларсиз тасаввур этолмайди. Ўз навбатида, Конституция ва қонунлар устуворлигига эришиш эса кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва сиёсий фаоллиги билан бевосита боғлиқдир. Қисқа давр ичида юртимизда ёшларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг замонавий илм сир-асрорларини чуқур эгаллашлари, етук касб-ҳунар эгаси, бир сўз билан айтганда, порлоқ келажакнинг муносиб ворислари бўлишлари учун амалга оширилган ишлар, яратилган имкониятлар муҳим ўринга эга.

Бошқача айтганда, Ўзбекистоннинг ҳақиқий ўтмиши ва бугуни, бетакрор маданияти, айниқса, унинг истеъдодли фарзандлари дунё кўз ўнгида намоён бўлган бўлса, Бош қомусимиз ана шу қобилият ва иқтидорни рўёбга чиқаришни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлади. Хусусан, Асосий Қонунимизда ҳар бир фуқарога билим олиш ва меҳнат қилиш ҳуқуқининг кафолатланганлиги ҳамда уни амалга оширишга қаратилган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилинганлиги бу борада муҳим қадам бўлди. Шунингдек, ривожланган мамлакатларнинг таълим тизими ва тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос миллий таълим тизими ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич жорий этилди.

Айниқса, узоқ муддатга мўлжалланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастурида белгиланган принципиал вазифаларнинг ижтимоий ҳаётимизда ўзининг изчил амалий ифодасини топаётганлиги таълим-тарбия соҳасида ўзига хос бурилиш ясади, десак, муболаға бўлмайди.

Бунинг самараси ўлароқ, замонавий билимга эга, янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан мамлакатимизнинг ёруғ истиқболини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрадиган, илм-фан ёки спорт соҳасида бўладими, барча-барчасида юксак марраларни забт этаётган янги авлод вакиллари камол топмоқда.

Ёки бўлмаса, мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани ва бу тизимнинг давлат бюджети харажатларидаги улуши 35 фоиздан ортиқни ташкил этиши, шунингдек, ўтган йиллар мобайнида қарийб 9,5 минг ёки мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мактабларнинг деярли барчаси қайта реконструкция қилиниб, замонавий ўқув лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланганлиги ҳамда 1500 дан ортиқ янги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар барпо этилганлиги ўз-ўзидан мазкур соҳага қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг, Асосий Қонунимизда мустаҳкамланган ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга, давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди, деган норманинг яққол амалий тасдиғи эмасми?

Бундан ташқари, илғор таълим стандартлари даражасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, ёшларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш ва ундан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, бу борада халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида юртимизда Халқаро Вестминстер университети, Жанубий Кореянинг Инха университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети каби юксак халқаро обрў-эътибор ва чуқур тарихий илдизларга эга бўлган Европа ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юртлари филиалларининг фаолияти йўлга қўйилганлиги жамиятимизда ёшларга, уларнинг ҳаётига, тақдирига, орзу-интилишларига бўлган эътибор давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигидан, бу борада эса ўтган давр мобайнида ўзига хос ҳуқуқий тараққиётга эришилганлигидан далолат беради.

Бироқ, энг муҳими, ана шундай имконият ва орзуларимиз, авваламбор, истиқлол шарофати, ишончли ҳимоячимиз Конституциямиз туфайли амалга ошаётганлигини барчамиз ҳам бирдек ҳис қилаяпмизми? Баъзан эса замонавий коллеж ва мактабларда, нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил ола туриб, талабаликнинг, ана шундай шарт-шароитнинг ҳуқуқий кафолати бўлмиш Конституцияни, ҳатто бир маротаба ўқиб чиқишга ҳам ўзимизда куч топа олмаймиз. Ваҳоланки, **ҳар бир ўзбек хонадони кутубхонасидан, албатта, Мустақиллик декларацияси ва Конституциянинг жой олиши юксак ҳуқуқий маданият ва Бош қомусга бўлган ҳурматнинг рамзий белгиси ҳам демакдир**.

Шу маънода, Конституцияни ўрганиш, унга суяниш, таъбир жоиз бўлса, унинг руҳи ва ғоялари асосида яшашни одатга айлантириш нафақат ҳуқуқимиз, балки юксак фуқаролик бурчимиз ҳамдир. Демак, Конституция ва қонунлар асосида яшаш дунёқарашини шакллантириш барчамиз учун бирдек интилишга, ана шу устувор ғоя кучи билан яшаш, ўқиш ва меҳнат қилиш ҳар биримизнинг ҳаётимиз мезони ва мазмунига айланиши даркор.

**Фаррух ҲАЙИТОВ,**
**Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси масъул ходими**

## КОНСТИТУЦИЯ

*Ойу юлдуз қўнган юртим байроғи*
*Дунё айвонида ўрнашган чоғи*
*Ҳумоларга тўлиб юртимнинг боғи*
*Жаҳонга йўл олдим ўз исмим билан*
*Тенгларга тенг бўлиб Қомусим билан.*

*Ҳар юртнинг бошида чиқсин офтоби,*
*Айёмларни тутсин шодлик хитоби...*
*Йўлини ёритсин Қомус китоби*
*Эрки, ҳуқуқлари, номуси бўлсин!*
*Тоғдай суянчиғи — Қомуси бўлсин!*

*Оқибат эшигим, меҳр эшигим,*
*Фарзандлар ардоғи — олтин бешигим...*
*Ота-онам қадри — сўнмас қўшиғим,*
*Миллатни муқаддас билган китоб бу*
*Оилани муқаддас қилган китоб бу...*

*Ҳеч кимга ғавғонинг йўқдир кераги,*
*Тинчлик бўлсин доим — халқнинг тилаги.*
*Ватанимнинг уриб турган юраги —*
*Эзгуликка элдош ҳидояси бу!*
*Миллатнинг мустаҳкам ҳимояси бу!*

**Кўчқор НОРҚОБИЛ**

**"Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати"**



## БАХТИМИЗ ҚОМУСИ — ИСЛОҲОТЛАР ПОЙДЕВОРИДИР

**КОНСТИТУЦИЯ ҳар бир инсон, фуқаронинг ҳуқуқий хулқ-атворини белгилаб беради. Уни билмай туриб, ҳуқуқий маданиятга эришиб бўлмайди. Шу маънода, Конституцияга садоқат Ватанга ва ўз халқига садоқатдир, десак, янглишмаймиз. Мамлакатимизда Асосий Қонунни ўрганиш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани ҳам бежиз эмас, албатта. Чунки, аслида ҳам, Конституция — барча қонунларнинг негизи бўлиб, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга хизмат қилади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги **"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма тўрт йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармойишига кўра маҳаллаларда, корхона, ташкилот, муассасаларда кенг аҳолига, айниқса, таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларга Конституциямизда белгиланган асосий тушунча ва тамойилларни тушунтириш бўйича режа асосида маърифий учрашувлар, жонли мулоқот ва суҳбатлар, маданий тадбирлар ўтказиш белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма тўрт йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Республика Ташкилий қўмитаси мажлисининг 2016 йил 10 ноябрдаги 143-сон баёни билан тадбирлар режаси тасдиқланди.

Шу билан бирга Адлия вазирлиги томонидан ҳам аҳолининг кенг қатламлари ўртасида ҳуқуқий мавзуларда учрашув, семинар, жонли мулоқот ва давра суҳбатлари ўтказиш дастури тасдиқланди.

Унга кўра, жорий йилнинг 15 ноябридан 15 декабригача ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда **"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати"** мавзуида ҳуқуқий саводхонлик ойлигини ўтказиш кўзда тутилган бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳуқуқий мавзуларда учрашувлар, семинарлар, жонли мулоқот ҳамда давра суҳбатлари ташкил этиш белгиланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жорий йилнинг 17 ноябрида Адлия вазирлиги томонидан Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда умумий ўрта таълим муассасаларида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" курсларини олиб бораётган профессор-ўқитувчилар учун видеосеминар ташкил этилди.

Видеосеминарга Халқ таълими вазирлиги марказий аппарати ходимлари, вазирлик тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, ҳудудий студияларда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, давлат педагогика ва малака ошириш институтлари раҳбарлари, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари мудирлари, ҳудудий тарғибот гуруҳи аъзоларидан иборат 700 дан зиёд иштирокчилар қамраб олинди.

Мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиш тарихи, мазмун-моҳияти, конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида таълим муассасаларида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" курсларини олиб бораётган педагог-ўқитувчилар зиммасига юклатилган вазифалар борасидаги маърузалар тингланди.

Бу каби тадбирлар жорий йилнинг 23 ноябрида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази билан ҳамкорликда республикадаги барча олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўтказилиши режалаштирилди.

Ташкил этилиши режалаштирилган тадбирларда қатнашчилар Конституция моддаларини чуқур ўрганишлари ва у берган имкониятлар билан яқиндан танишишлари, ҳуқуқий билимларини оширишлари кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, жамият тараққиётини таъминловчи асосий омиллардан бири — қонун устуворлигидир. Чунки қонунларга оғишмай амал қилиш, уларда белгилаб қўйилган талабларни сўзсиз бажариш ижтимоий ҳаётдаги барқарорликни таъминлайди. Шу маънода Асосий Қонунимиз — Конституциямизнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Бош қомусимиз тенглар ичида тенг давлат, мустақил диёрнинг мустақиллигини ёрқин намоён этувчи асосий ҳужжат, бахтимиз қомуси, халқимизнинг ору номуси. Негаки, унинг ҳар бир моддасида, ҳар бир бандида халқаро ҳуқуқ меъёрлари ҳам, миллий бағрикенглик тамойили ҳам акс этиб туради.

**Лолахон КАРИМОВА,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

4 декабрь — сайлов куни!

# ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ИНСТИТУТИ

*миллий ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мос*

**АЙТИШ лозимки, сайлов институти — демократик ҳуқуқий давлатнинг зарурий шарти ва муҳим сиёсий ҳуқуқ сифатида фуқароларимизнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита иштирок этиши орқали "халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир" деган конституциявий принципни тўлиқ рўёбга чиқариш, мақсадини кўзлайди. Шу маънода фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва уни амалга оширишнинг моддий ва процессуал-ҳуқуқий механизмлари мамлакатимиз Конституцияси ва қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйилганини алоҳида таъкидлаш лозим.**

Хусусан, **"Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонуннинг 1-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ҳуқуқ фуқароларнинг референдумларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловида қатнашиши орқали амалга оширилади", деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Бундан кўриниб турибдики, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ёки вакиллик органлари сайловида қатнашиши ҳам уларнинг давлат бошқарувидаги бевосита иштирокининг асосий шакли саналади. Яъни, сайловчилар сайловларда овоз бериш орқали ўзлари сайлаган Президент — давлат бошлиғи тимсолида халқ ҳокимиятини амалга оширишда қатнашади.

Бу ҳақда сўз юритганда, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг тўлиқ ва қонуний асосда таъминланишидан, аввало, давлатнинг ўзи манфаатдор эканини қайд этиш жоиз. Чунки шу тариқа юқорида таъкидланган халқ ҳокимиятчилиги тамойилининг ҳаётда ўз ифодасини топиши фуқаролар амалий иштирокининг қай даражада эканлиги асосида яққол намоён бўлади.

Юқорида санаб ўтилган жиҳатлар Ўзбекистон миллий сайлов қонунчилиги халқаро ҳуқуқнинг сайловларга оид умумэътироф этилган норма ва қоидаларига тўлиқ мос эканини кўрсатиши билан аҳамиятлидир. Масалан, "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси"нинг 21-моддаси 3-бандида назарда тутилган "халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг негизи бўлиши лозим: бу ирода даврий ва сохталаштирилмаган, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқида, яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозим", деган талабларга тўлиқ мос келади.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилигида фуқаролар сайлов ҳуқуқини таъминловчи юридик кафолатлар ўз аксини топган. Умумий сайлов ҳуқуқини амалга оширишнинг юридик кафолатларида барча ривожланган демократик давлатларда мавжуд бўлган қуйидаги асосий принципиал қоидалар мустаҳкамланган:

Биринчидан, актив сайлов ҳуқуқини амалга ошириш учун ёш цензининг, яъни шахснинг бирор бир ҳуқуқдан фойдаланишини белгиловчи шартлар анча прогрессив даражада, яъни 18 ёш қилиб белгиланган.

Иккинчидан, қонунчиликда жаҳонда умумэътироф этилган шартлардан бошқа ортиқча бирон-бир шарт мавжуд эмас. Фақат суд томонидан муомалага лаёқатсиз, деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловларда овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Ушбу чеклов-талаблар умумэътироф этилган талаблар чегарасидан чиқмайди.

**"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"**ги Қонуннинг 7-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Унга мувофиқ, "сайловни ўтказишнинг ушбу Қонунда назарда тутилган қоидалари ҳамда тартибини бузувчи шахслар, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ва Президентликка сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини эркин равишда амалга оширишига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатувчи шахслар, шунингдек сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, овоз бериш яширинлигини бузган ёки ушбу Қонун бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, давлат ва жамоат органларининг мансабдор шахслари қонунда белгиланган йўсинда жавобгар бўладилар. Номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган сохта маълумотларни эълон қилган ёки бошқа йўсинда тарқатган, сайлов комиссиялари аъзоларига нисбатан ҳақоратомуз муносабатга йўл қўйган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар. Овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида, шунингдек овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш (эълон қилиш), шунингдек уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан Интернет тармоғига) жойлаштириш тақиқланади".

Сайловчиларга участка сайлов комиссиясининг биносида сайловчилар рўйхати билан олдиндан танишиб чиқиш имконияти таъминланади. **"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"**ги Қонунга мувофиқ, сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда тузилган сайлов участкаларида эса сайловга икки кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим қилинади.

Сайловчи сайловчилар рўйхатидаги хато ва ноаниқликлар тўғрисида сайлов комиссиясига арз қилиш ҳуқуқига эга. Участка сайлов комиссияси йигирма тўрт соат ичида бундай аризани кўриб чиқиши ҳамда хатони тузатиши ёки аризачига унинг аризаси асосли тарзда рад этилганлиги тўғрисидаги маълумотномани бериши шарт.

Бирор бир сабабга кўра, сайловчилар рўйхатига вақтида кирмай қолган сайловчи унинг шахси, фуқаролиги ва турар-жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан участка сайлов комиссияси томонидан рўйхатга киритилади.

Хорижда яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун Ўзбекистон Республикаси сайловларида қатнашишга тўла шарт-шароит яратиб берилади. Хизмат сафари билан ёки узрли сабабларга кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлов куни Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ёки санаторий ва дам олиш уйларида, касалхоналарда бўлишларини инобатга олиб уларнинг овоз бериши учун ҳуқуқий кафолатлар яратилган.

Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, уларнинг илтимосига биноан участка сайлов комиссияси ўз аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунларида эркин демократик сайлов ўтказишнинг асосий қоидалари ва халқаро андазалари ҳамда фуқароларнинг давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари амал қилишининг кафолатлари мустаҳкамлаб қўйилган.

**Ойбек ТУРҒУНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг кафедра мудири, юридик фанлар номзоди**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллиги олдидан

# МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ВА ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАР

## Конституциямизда ўз аксини топган

**ИСТИҚЛОЛ туфайли биз халқимиз хоҳиш-иродасини, асрий орзу-умидларини, умуминсоний ва миллий қадриятларни ўзида мужассам этган, суверен давлатимиз манфаатларига ва шу билан бирга, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий меъёрларга тўла жавоб берадиган Конституцияга эга бўлдик. Ҳар бир халқнинг тақдирида муҳрланиб қоладиган тарихий ҳужжатлар миллат равнақи, давлатчилик пойдеворининг мустаҳкам бўлиши учун хизмат қилганлиги билан аҳамиятлидир.**

Ўзбек халқи тарихида ҳам кескин бурилиш ясаган, истиқлол учун курашлар самараси бўлган, аҳамияти жиҳатидан асрларга татигулик ҳуқуқий ҳужжатлар қаторида 1990 йилнинг 20 июнидаги **"Мустақиллик декларацияси"**, 1991 йилнинг 31 августидаги **"Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида"**ги Қарор ва **"Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"**ги Қонун ва албатта, 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ ўн биринчи сессиясида қабул қилинган Конституция янги мустақил демократик суверен Ўзбекистон давлатининг биринчи асосий Қонунимиз — Конституциямизни алоҳида эҳтиром билан тилга оламиз. Мустақил давлатчиликнинг белгиси ҳисобланмиш Конституция, аввало, миллатнинг юзи, халқнинг эрки ифодаси, жамият тараққиётининг асосидир. Энг муҳими, янги демократик тузумни барпо этиш мақсадида қабул қилинган Конституциямизнинг ғояси, асосий принцип ва қоидалари умумэътироф этилган халқаро талаблар билан бирга, халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланиб келган қадриятларини ҳам ўзида мужассам этган.

Ўзбекистон халқи Конституциямиз қабул қилиниши орқали дунё ҳамжамиятига ўзининг умуминсоний қадриятларга содиқ эканлигини намоён қилди. Ушбу умуминсоний қадриятларнинг диққат-марказида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини таъминлаш давлатимиз олдидаги олий масъулият эканлиги Конституциямизнинг асосий ғояси сифатида танлаб олинди.

Конституциянинг энг асосий ҳамда мукаммал вазифалари Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлатчиликни ривожлантириш, ташқи сиёсат олиб бориш, Ўзбекистонни дунёда буюк давлат даражасига кўтариш, республикада ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, адолатли жамият қуриш, конституциявий ҳуқуқ нормалари ва ҳуқуқий институтларни такомиллаштиришга доир муаммоларни тадқиқ этиш, жамиятда юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларни ўрганиш ва бунинг натижасида республика қонунларини ривожлантириш учун зарур таклифларни тайёрлашдан иборатдир.



Конституция тарбиявий-мафкуравий функцияни ҳам бажаради. Тарихда вужудга келган Конституцияларнинг барчаси муайян ғояларнинг қонунлаштирилиши учун хизмат қилган. Эркинлик, озодлик, ижтимоий адолат, тенглик, халқ суверенитети каби умуминсоний ғоялар ҳар бир мамлакат халқининг миллий, тарихий қадриятлари билан қўшилиб, давлат қабул қилган Конституция мазмунига сингиб кетади. Конституцияда жамият сиёсий-ҳуқуқий мафкурасининг моҳияти ифодаланиб, бу мафкура халқни муайян мақсадлар сари етаклайди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси миллий истиқлол ва мустақил давлатчилик ғояларига ҳуқуқий асосни яратиб берди. Энг муҳими, Конституциямизнинг барча қоидалари Ўзбекистоннинг давлат суверенитетини таъминлаш, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ғояларини рўёбга чиқаришга йўналтирилгандир.

Мамлакатимизда вояга етиб бораётган баркамол авлод Ватанимиз истиқболининг мустаҳкам таянчи ва биз бошлаган буюк ишларнинг муносиб давомчиси ҳисобланади. Жаҳон цивилизацияси ривожига катта ҳисса қўшган Ўзбекистон халқи мустақиллик даврига келиб ҳақиқий эркинликни ҳис этди. Миллий маданият ва маънавиятимиз қайтадан тикланди.

Маълумки, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, инсонпарварлик ғояларини ҳаётга татбиқ этиш бевосита оила билан боғлиқ бўлган жараёндир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боб, 63-66 моддаларида оила жамиятнинг асосий бўғини, ота-оналар ва болаларнинг мажбуриятлари, қонун олдида тенг ҳуқуқлилиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган.

Шунга кўра, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, оила фуқаролик жамиятининг таянч нуқтаси, барқарор ва тинч тузилмасидир.

Оила — давлат муҳофазасида. Зеро, оилага мунтазам ғамхўрлик қилиш, унга ҳар тарафлама моддий ва маънавий кўмак бериш инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим вазифаларидан биридир. Оилавий муносабатлар, она ва бола муҳофазаси, уларнинг эҳтиёжларини қондириш Ўзбекистон Республикаси сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир.

Ота-оналарнинг ўз фарзандларини вояга етгунига қадар моддий таъминлаш ва тарбиялаш мажбурияти бу уларнинг болалар ва жамият олдидаги мажбуриятидир. Вояга етиш ёши мамлакатимизда 18 ёш қилиб белгиланган. Ота-она вояга етмаган болаларига, шунингдек, вояга етган бўлса-да, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот беришга мажбур. Шунингдек, бир неча мингйиллик ўтмишимиздан ўрнак олиб, ўсиб келаётган баркамол авлодни умуминсоний қадриятлар ва анъаналар асосида тарбиялашлари лозим.

Вояга етган фарзандлари ўз ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилишлари лозим. Улар ўз ота-оналарига маънавий ёрдам беришга ҳамда кўмаклашишга мажбурдирлар. Ота-оналар турмушидан хабардор бўлиб, сиҳат-саломатлигига катта эътибор беришлари керак. Мустақил республикамиз амалдаги Конституциясини қабул қилиш билан болаларнинг бу мажбурияти Конституциявий мажбуриятига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI боби "Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари" деб номланиб, 99-105 моддаларни ўз ичига қамраб олган.

Конституциянинг 105-моддасига асосан қўрғон, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, маҳалла, шу жумладан, шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари сифатида фаолият кўрсатади. Ушбу ҳолатга кўра, қўрғон, қишлоқ ва овул, маҳаллалардаги давлат вакиллик органлари давлат тизимидан чиқарилган ва ўзини ўзи бошқариш органлари тизимига ўтказилган.

Мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг таъбири билан айтганда, бугунги тинч ва обод ҳаётимизни барпо этишга беқиёс хизматлари сингган, хонадонларимизнинг файзи бўлган мўътабар кексаларимизнинг фаровон ва муносиб умр кечиришлари учун кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки инсоний бурчимиз, деб қабул қилишимиз даркор. Шу борада маҳаллалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кексалар ва ногиронларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатадиган тузилмаларини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратиш лозим.

Республикамизда кўп асрлик тарихга эга бўлган маҳалла Конституцияга асосан ўз ҳуқуқий мақомини олди. Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига яқиндан кўмаклашувчи Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси фаолият кўрсатмоқда. Маҳалла маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимида халқ фикр-ўйларини идора қилувчи юридик мақомга эга бўлган демократик бошқарув сифатида намоён бўлди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Конституциямиз бизга сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий, маънавий ва ижтимоий соҳаларда кенг ҳуқуқ ва имкониятлар берди.

Конституциямизнинг энг халқчил, энг демократик ва ўта нуфузли Конституция тарихида жаҳондаги барча илғор ва тараққий топган давлатлар томонидан тан олиниши билан бирга, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Конвенцияларга мувофиқ, деб эътироф этилиши, унинг янада халқчиллигидан далолат беради.

**Тўлқин ТЎХТАСИНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти махсус фанлар кафедраси ўқитувчиси**

# ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

**МАЪЛУМКИ, ҳар бир сайлов мамлакатимиз ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий воқелик ҳисобланади. Чунки айнан сайловлар жараёнида давлат ва жамиятда мавжуд ёхуд юзага келаётган хилма-хил фикр-қарашлар, одамларнинг хоҳиш-иродалари, орзу-умидлари, истак-интилишлари яққол намоён бўлади.**



Жаҳон тажрибасига назар ташласак, сайловлар қандай ва қай тарзда ўтиши ўша давлатдаги қонунлар, меъёрий ҳужжатлар, сайлов ҳуқуқи эркинлиги ва фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятига боғлиқлигини кўрамиз. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддаси ва **"Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ҳуқуқ фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти, ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловларида фаол қатнашишлари билан амалга оширилади.

Амалдаги қонунларга биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кенг ошкоралик асосида ўтказилади. Ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овоз натижаларини ҳисоблашда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган ҳар бир сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва турли ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашадилар. Сайлов жараёнида иштирок этувчи кузатувчиларнинг ваколатлари қонунга, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг **"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчиларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида"**ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашувчи сиёсий партияларнинг кузатувчилари тўғрисида"ги Низомларига мувофиқ тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Таъкидлаш жоизки, сайлов кампаниясида хорижий ва маҳаллий кузатувчиларнинг қатнашиши сайловнинг умумийлик ва тенглик, овоз беришнинг яширинлиги, шунингдек, очиқ ва ошкора, эркин ва адолатли, демократик тамойилларга амал қилган ҳолда ўтишига хизмат қилади.

**Барно РЎЗИЕВА,**
**Тошкент шаҳар "Наврўз" никоҳ уйи мудираси**

# ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ

## сайлов жараёнида намоён бўлади

**ЧУСТ саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Бобурмирзо Миралиев шу йилнинг 8 ноябрь куни 18 ёшга тўлди. Шу боис у яқинда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида илк бор овоз беради.**

Албатта, туманимизда Б.Миралиев сингари комиллик сари интилаётган минглаб ёшлар истиқомат қилади. Улар жорий йилнинг 4 декабрида ўтказиладиган Президент сайловида ўзларининг сайлаш ҳуқуқидан илк бор фойдаланишади. Шундай экан, ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш биз ҳуқуқшунослар зиммасига катта масъулият юклайди. Бинобарин, сайлов кампанияси эълон қилингандан буён фарзандларимизнинг сайловга оид билимларини бойитиш ва мустаҳкамлаш мақсадида туман ФҲДЁ бўлими томонидан Бош қомусимизнинг сайловга оид боб ҳамда моддалари, Ўзбекистон Республикасининг **"Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги ва **"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"**ги қонунлари мазмун-моҳияти юзасидан кенг кўламдаги ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Яна бир мисол. Туманимизнинг Пансада маҳалласи, Лабисой кўчасида истиқомат қилувчи Зиёдхон бобо Маҳсудов ҳозир 89 ёшда. Нуроний отахон бошқа қуролдош дўстлари қатори Иккинчи жаҳон урушида Ватан озодлиги учун жанг қилди. Айни пайтда эса фарзандлари, набира ва чеваралари қуршовида бугунги дориламон кунларга шукрона айтиб, умргузаронлик қилмоқда. Зиёдхон бобонинг кексалиги ҳамда сайлов участкаси билан уйи орасидаги масофа бироз узоқлиги инобатга олиниб, унга ўз уйида турган ҳолда энг муносиб номзодга овоз бериш имконияти яратилади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан юртдошларимизнинг сайлаш ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш мақсадида барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, сайлов участкаларида "Оналар ва болалар хонаси", "Тиббиёт хонаси" каби зарурий шарт-шароитлар муҳайё этилмоқда. Бундан ташқари, кўзи ожиз сайловчилар учун брайл ёзувида сайлов бюллетенларини чоп этиш ҳам ташкил қилинмоқда. З.Маҳсудов сингари имконияти чекланган сайловчилар эса яшаш манзилларида туриб овоз беришлари мумкин.

Маълумки, Конституциямизнинг 26-моддасида **"Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди",** дея таъкидланган. Шу боис республикамиздаги барча тергов ҳибсхоналарида ҳам сайлов участкалари ташкил этилган.

Бир сўз билан айтганда, барча сайлов участкаларида Бош қомусимизнинг 117-моддасида **"Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади",** дея қайд этилган конституциявий қоида тўлиқ ҳаётий ифодасини топмоқда.

**Нодира ЖАЛОЛОВА,**
**Чуст туман ФҲДЁ бўлими мудираси**

Ҳаёт чорраҳасида

# УЙНИ НОМИМГА ЎТКАЗИБ БЕРИНГ ЁКИ ЎЗ ПУЛИМГА СОТИБ ОЛГАН МУАММОЛАР

**(мазкур масала билан фуқаролардан Бош вазир виртуал қабулхонасига мурожаатлар келиб тушмоқда)**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ Конституциясида хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида, мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши, шунингдек, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этиши мажбурлиги белгиланган.**



Шундай экан, Конституция билан кафолатланган ҳуқуқларимиздан фойдаланган ҳолда биз ҳам қонун олдидаги мажбуриятларимизга риоя этмоқдамизми, деган савол туғилади.

Албатта, инсон ҳаёти давомида шахсий уй-жойига, автомашинасига эга бўлишга, ваҳоланки, оиласи ва келажаги учун янада яхширок шароитлар яратишга интилади.

Масалан, автотранспорт воситасини сотиб олмоқчи бўлсак, албатта, уни ўз номимизга расмийлаштирамиз. Агар ўз номимизга расмийлаштирмасдан, қариндош ёки бегона шахснинг номига ўтказсак, ушбу мулкдан фойдалана олмаймиз. Чунки автомашинани ҳайдаш учун ушбу ҳуқуқ билан нотариал гувоҳлантирилган алоҳида ишончнома тасдиклатиш лозим.

Тўғри, мантиқан қараганда, нима учун бу мулкни сиз сотиб оласизу, бировнинг номига расмийлаштиришингиз керак?

Худди шундай саволни уй-жой сотиб олаётганларга ҳам беришни зарур, деб ҳисоблаймиз.

Айниқса, Тошкент шаҳрида жойлашган уй-жой, квартираларни бошқа ҳудудларда доимий рўйхатда турган фуқаролар ўз номларига расмийлаштира олмаганликлари туфайли Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда бўлган қариндошлари ёки умуман бегона шахслар номига расмийлаштирган ҳолатлар кам эмас. Оқибатда уй-жойга ўз маблағига сотиб олган шахслар эга бўлмасдан, балки кўчмас мулк кимнинг номида бўлса улар қонуний эгаси ҳисобланадилар.

Кўчмас мулкни шу тарзда расмийлаштирган шахслар учун бу ҳолат, ўз навбатида, катта муаммоларни келтириб чиқаради. Авваламбор, бу муаммолар вақт ўтиб уй-жойни ўз номларига ўтказмоқчи бўлганларида ҳужжатлар асосида "уйнинг эгаси" ҳисобланган шахслар уни қонуний расмийлаштиришдан бош тортганликлари ва оқибатда бу муаммолар судда кўрилишига олиб келаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бу ҳолат эса, ўз навбатида, қанча вақт, асаб ва қўшимча маблағларнинг сарфланишига олиб келади.

Бунинг исботи сифатида Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатларни келтириш мумкин.

Келиб тушаётган умумий мурожаатларнинг аксарият қисми фуқаролар томонидан Тошкент шаҳрида жойлашган уй-жой, квартираларни ўзлари таниган фуқаролар, қариндошлари номига сотиб олганликлари, кейинчалик эса ушбу уй-жойларни ўз номига расмийлаштиришда муаммолар вужудга келаётганлиги ҳақида эканлиги кузатилди.

Айтиб ўтиш жоизки, 2011 йил 14 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахсларнинг қатъий рўйхати белгиланган.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралдаги 41-сон қарори "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисида"ги Низом тасдиқланган.

Мазкур Низом талабларига кўра, Тошкент шаҳрида жойлашган тураржойлар (уй-жой, квартира, хонадон) ҳамда нотурар биноларни ўзгага ўтказишни назарда тутувчи битимлар, агарда олувчи томон Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлган, шунингдек, Тошкент шаҳри ҳудудида камида уч йил доимий яшаб турган (лавозимда бўлган), Рўйхатнинг 2, 5, 9 — 11-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳрида доимий прописка қилинган жисмоний шахс ҳисобланса ва ички ишлар органининг доимий пропискаси борлиги тўғрисидаги маълумотномасини тақдим этсагина амалга оширилади.

Ваҳоланки, қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга беписандлик билан ёндашган фуқаролар нафақат маблағларидан, балки сотиб олган уйларидан ҳам маҳрум бўлмоқда.

**Дилбаҳор ЯКУБОВА,**
**Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи**

## ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

**— ИШГА неча ёшдан қабул қилишга йўл қўйилади? 15 ёшга тўлган шахсни ишга қабул қилиш мумкинми?**

**Р.АСАДОВА,**
**Тошкент шаҳри**

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 77-моддасига асосан, ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун — улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқда бўлишга, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида улар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қўшимча имтиёзлардан фойдаланишга ҳақлидир.

Хусусан, Меҳнат кодексининг 242-моддасига асосан, иш вақтининг муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади.

Шу билан бирга, Кодекснинг 243-моддасида ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларнинг кундалик иш вақти қисқартирилган ҳоллардаги меҳнатига ҳақ кундалик иш вақти тўлиқ бўлган чоғда тегишли тоифадаги ходимларга бериладиган миқдорда тўланиши лозимлиги мустаҳкамланган.

Кодекснинг 244-моддасида эса, ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга камида ўттиз календарь кундан иборат йиллик таътил берилиши ва улар бу таътилдан ёз вақтида ёки йилнинг ўзлари учун қулай бўлган бошқа вақтида фойдаланишлари мумкинлиги белгиланган.

Бундан ташқари, Меҳнат кодексининг 241 ва 245-моддаларига мувофиқ, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан шу тоифа ходимларининг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ишларда, ер ости ишларида ва бошқа ишларда фойдаланиш, тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш тақиқланади. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди.

**Саволга Адлия вазирлиги масъул ходими Акбар САЙДАҲМЕДОВ жавоб берди.**

4 декабрь — сайлов куни!

# КЕЛАЖАГИМИЗГА ДАХЛДОР

## сиёсий жараён

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ Конституцияси ҳаётимиздаги барча соҳаларнинг ҳуқуқий кафолатларини ўзида мужассам этган Бош қомусимиз ҳисобланади.**

Конституциямизнинг 117-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. Айтиш жоизки, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволига, иркий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади. Мана шу ҳуқуқий кафолатлар замирида жамиятимиз тараққиётининг ўзига хос жиҳатларини англаш мумкин.

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Сайловнинг тенглик, ошкоралик, адолат ва халқаро демократик талаблар асосида ўтиши тегишли қонунларда белгилаб қўйилган. Сайлов демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ҳаёти, жамият ва давлат бошқарувида, давлат ҳокимиятини шакллантиришда бевосита иштирокининг асосий шакли экан, ҳар бир сайловчи ана шу ҳуқуқидан тўғри ва оқилона фойдаланиши ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган изчил ислоҳотлар самарасида демократик талаблар ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин билдириш кафолатларини таъминлайдиган миллий сайлов тизими ва унинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган ҳамда қатор қонунлар ҳаёт тақозосига кўра янада такомиллаштириб борилмоқда. Миллий қонунчилигимиз жамиятимиз тараққиётининг энг муҳим омили, ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Сайлов — демократия кўзгуси ҳисобланади. Мамлакатимизда сайлов жараёнларида ошкораликни таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситаларига кенг имкониятлар яратилади. Конституциямизнинг 32-моддасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали қатнашиш ҳуқуқига эга эканликлари белгилаб қўйилган.

Юртимизнинг олий вакиллик органи бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловларни ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва ўтказиш ваколати Марказий сайлов комиссиясига берилган. Марказий сайлов комиссияси доимий тарзда фаолият олиб борадиган ҳамда конституциявий мақомга эга мустақил орган бўлиб, ўз фаолиятини мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлилик принциплари асосида амалга ошириб келмоқда.

Марказий сайлов комиссияси конституциявий мақомга эга бўлиши давлат ҳокимияти бошқа органларининг ҳеч қандай аралашувларисиз сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказишни таъминлашга хизмат қилади. Марказий сайлов комиссиясига берилган ваколатларнинг ўзиёқ юртимизда сайловларни демократик, очиқ ва ошкора тарзда ўтказиш ҳамда унда қонунийликни ҳар томонлама таъминлашнинг кафолатлари мавжудлигини кўрсатади. Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг мустақиллиги сайловларни адолатли ташкил қилиш ва ўтказишнинг муҳим шартидир. Шу боис миллий қонунчилигимизда Комиссия фаолиятини давлат ҳокимияти органлари, сиёсий партиялар, гуруҳлар, жамоат бирлашмаларининг ҳар қандай аралашувидан ҳимоя қиладиган қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган. Бу эса, сайловларнинг қонун доирасида адолатли ҳамда демократик тарзда ўтишини кафолатлайди.

Республикамизда яширин овоз бериш ҳуқуқи қонун билан кафолатланган бўлиб, сайловчиларнинг хоҳиш-ирода билдиришларини ҳар қандай давлат органи, мансабдор шахслар, шунингдек, жамоат бирлашмалари томонидан назорат этишга йўл қўйилмайди. Қонунчиликда овоз бериш, шу жумладан, муддатидан олдин овоз бериш ҳамда сайловчи турган жойда овоз беришнинг яширинлигини таъминлаш сайлов комиссияларининг асосий мажбуриятларидан бири сифатида белгилаб қўйилган. Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилади, яширин овоз бериш учун кабиналар ёки хоналар жиҳозланади. Уларда фуқаро сайлов бюллетенига белгини мустақил қўяди. Яширин овоз бериш вақтида кабинада овоз берувчидан бошқа бирор бир кишининг ҳозир бўлиши, сайловчига таъсир кўрсатиши тақиқланади. Буларнинг барчаси ҳар бир сайловчининг ҳуқуқлари қанчалик кафолатланганини кўрсатади.

Сайлов — мамлакатимиз тақдири, ҳар биримизнинг келажагимизга ўта дахлдор сиёсий масала ҳисобланади. Шундай экан, умидбахш келажагимиз учун масъулиятни дилдан ҳис этган ҳолда ушбу сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

**Илҳом ЁРИЕВ,**
**Юристлар малакасини ошириш маркази тингловчиси**

Реклама ўрнида

# Бугунги тараққиётни

## замонавий ва тежамкор технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди

**МАМЛАКАТИМИЗНИНГ нуфузли саноат корхоналаридан бири "Каттақўрғон ёғ-мой" акциядорлик жамияти яқинда ўзининг қутлуғ саксон йиллигини нишонлади. Ушбу жамият кейинги йилларда ишлаб чиқариш тармоқларини модернизациялаш, мавжуд техникаларни янгилаш борасида ижобий ишларни амалга ошириб, иқтисодий самарадорликка эришиб келмоқда.**




Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Жаҳон банки ҳамкорлигида қўлланилаётган "Саноат корхоналарида энергия самарадорлигини ошириш" лойиҳаси ҳамда халқаро ривожланиш уюшмаси маблағлари ҳисобидан юртимиздаги бир қатор ишлаб чиқариш субъектлари ва ташкилотларда тежамкор замонавий технологияларни қўллаш назарда тутилган. Ушбу лойиҳалар доирасида "Каттақўрғон ёғ-мой" акциядорлик жамиятида салмоқли ишлар амалга оширилиб, ёқилғи энергетика ва иссиқлик энергияси ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича юқори кўрсаткичлар қўлга киритилмоқда. Жумладан, ўтган йилларда корхонадаги мавжуд чўғланма лампаларни энергия тежовчи светодиодли лампаларга алмаштириш натижасида қарийб 17,5 миллион сўмлик маблағ иқтисод қилинди. Шунингдек, ўтган давр оралиғида ишлаб чиқариш жараёнига тежамкорликни таъминлайдиган технологиялар татбиқ этилиши натижасида 1050 киловатт соат электр энергияси тежаб қолинди.

— Мамлакатимизда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, тармоқда янги қувватларни ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида ички бозор ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли истеъмол товарлари билан тўлдирилмоқда, — дейди "Каттақўрғон ёғ-мой" акциядорлик жамияти бошқарув раиси Дилшод Кунаров. — Албатта, бугунги тараққиётни замонавий ва тежамкор технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мисол учун Германиянинг замонавий пресслаш ускуналарини ўрнатганимиздан кейин корхонамизда ёғ ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада кўпайди. Маҳсулот сифати яхшиланди. Мазкур дастгоҳлар ўрнатилгандан сўнг бир кеча-кундузда қарийб 150 тонна ёғни қайта ишлаш имконияти юзага келди.

Шуни айтиш керакки, тежамкор технологияларни ҳаётга изчил татбиқ этиш бугуннинг долзарб вазифаси. "Каттақўрғон ёғ-мой" АЖда ускуналарнинг янгиланиши натижасида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳам кенг имконият яратмоқда. Яъни, акциядорлик жамияти юртимиз аҳолисининг истеъмол товарларга бўлган эҳтиёжини қондириш баробарида Хитой, Афғонистон, Қозоғистон давлатларига бирламчи, иккиламчи турдош маҳсулотларни экспорт қилмоқда.

Бундан ташқари, кейинги йилларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, техник қайта жиҳозлаш, цехларни реконструкция қилиш юзасидан белгиланган дастурлар доирасида катта ҳажмдаги инвестициялар киритилмоқда. Масалан, корхонада 2014 йили 3 миллиард 73 миллион сўмдан зиёд инвестициялар ўзлаштирилди. Ушбу ютуқлар самарасида жорий йилнинг апрель ойида "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда замонавий, илғор технологияларга асосланган техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш" мавзуида республика миқёсида кўргазмали семинар ташкил этилди. Семинарда германиялик ва италиялик етук мутахассислар билан тажриба алмашилди. Айни пайтда жамият аъзолари 2017 йилга мўлжалланган истиқболли лойиҳалар устида иш олиб бормоқдалар.



— Замонавий технологияларнинг жорий этилганлиги натижасида ўтган йил 87,5 минг тоннадан ортиқ чигитни қайта ишлаб, режадагидан 1461 тонна кўп қора ёғ, 1350 тонна тозаланган ёғ, 1837 тонна хўжалик совуни тайёрланди. Қарийб 460 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилинди, — дейди сўзини давом эттириб жамият бошқарув раиси Дилшод Кунаров. — Бундан ташқари, корхонанинг ёғ қадоқлаш цехи учун замонавий махсус ускуна ўрнатилди. Бу ҳам ишлаб чиқариш қувватини аввалгидан бир неча бор оширади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда йирик саноат корхоналаридан бири бўлган "Каттақўрғон ёғ-мой" акциядорлик жамияти халқимиз дастурхони тўкинлиги ва ҳаёти фаровонлигини таъминлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

**Азим ҚОДИРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

## Эълонлар

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Фарғона вилояти**
Боғдод туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бувайда туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Олтиариқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тошлоқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тошлоқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Бухоро вилояти**
Қоровулбозор туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Жиззах вилояти**
Жиззах туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Фориш туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Қашқадарё вилояти**
Қарши шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қамаши туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қарши туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Миришкор туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қарши шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Косон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Муборак туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Нишон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Сурхондарё вилояти**
Термиз шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Денов туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Узун туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Термиз шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бойсун туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Узун туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Денов туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Навоий вилояти**
Томди туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Учқудуқ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Наманган вилояти**
Чортоқ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тўрақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Наманган шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Фарғона вилояти**
Сўх туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Боғдод туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қува туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Риштон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қува туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Олтиариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Хоразм вилояти**
Урганч шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Урганч шаҳар 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;*
*5. Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*6. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);*
*7. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

**Ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари орқали тақдим этилади. (Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2016 йил 21 декабрь) Телефонлар: (0371) 236-78-52, 233-44-48.**

Фарғона вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 19 октябрдаги 418-ум-сонли буйруғига асосан Фарғона шаҳридаги "Фар одил инсон ҳимоячиси" адвокатлар ҳайъати адвокати Исроилова Хавасхон Камиловнанинг *(лицензия 07.07.2010 йил, FE №000184, адвокатлик гувоҳномаси №195, 16.07.2010 й.)* адвокатлик мақоми 2016 йил 7 октябрдан тикланди.

***

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 13[1]-моддасига мувофиқ "KUSH ADILLIKTE" адвокатлар ҳайъати адвокати Аллабергенова Нилуфар Реимбаевнага вазирлик томонидан 2016 йил 18 февралда берилган QR №000190-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси ва адвокатлик мақомининг амал қилиши Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирининг 2016 йил 2 ноябрдаги 303-ум-сонли буйруғига асосан вақтинча тўхтатилди.

***

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 16-моддасига асосан "NIZAM USTINLIGI" адвокатлар ҳайъати адвокати Курбанова Марат Торебаевичга вазирлик томонидан 2009 йил 15 июнда берилган QR №000012-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси ва адвокатлик мақомининг амал қилиши Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирининг 2016 йил 2 ноябрдаги 302-ум-сонли буйруғига асосан тугатилди.

***

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 27 октябрдаги буйруғига асосан Қарши шаҳридаги "Соҳибқирон издошлари ҳимояси" адвокатлик фирмаси адвокати Умаров Дилшод Буриевичга бошқарма томонидан 2010 йил 26 февралда берилган KS 000129-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва адвокатлик мақоми ҳамда 300-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши тикланди.

***

Қўқон шаҳридаги "Ҳақиқат тарафдори" адвокатлик ҳайъати адвокати бўлган Хўжамкулов Алишер Муродхўжа ўғли *(лицензия 03.07.2013 йил, FE №000246, адвокатлик гувоҳномаси №295, 13.09.2013 йил)* адвокатлик тузилмасидан чиққанлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 13[1]-моддаси, 1-қисмининг 6-бандига ҳамда Фарғона вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 2 ноябрдаги 460-ум-сонли буйруғига асосан адвокат мақоми уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган даврга тўхтатилди.

